

Ибн Жарирнинг вақтлари ва амалларини тартиблаши



14:00 / 19.07.2019 1447

Ибн Жарирнинг шогирди ва дўсти қози Абу Бакр ибн Комил (Аҳмад ибн Комил Шажарий) Ибн Жарир роҳматуллоҳи алайҳнинг ўз вақтлари ва амаллари тартибини қуйидагича тавсифлаб берган: «У овқатланиб бўлганидан сўнг «хойш» деб аталадиган енглари калта сондал ва атиргул суви билан бўялган кийимда ухларди. Бу кийим ингичка қилиб тўкилган, иплари қўпол, дағал каноп матодан тайёрланган, баданга совуқ тортиб тургани учун иссиқ пайтда кийиб ухланадиган кийим бўлган. Сўнгра туриб пешинни уйда ўқирди ва то асргача китоб ёзарди. Сўнгра туриб пешинни уйда ўқирди ва то шомгача одамларга дарс берарди, улар унга ўқиб дарс топширишарди. Сўнг ўзи то хуфтонгача фикҳ ва бошқа дарс билан машғул бўларди. Шундан кейин уйга кирарди. У кечаси-ю кундузини Аллоҳ таоло муваффақ қилганича ўзининг, динининг ва халойиқнинг манфаати учун тақсимлаб қўйганди».

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан